

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА  
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ  
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Т. 09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,  
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**КАРПУШКИН СЕРГЕЙ ИГОРЕВИЧ**

**ДИЗЕЛ ДВИГАТЕЛЛИ АВТОМОБИЛЛАР ЭКСПЛУАТАЦИОН  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЁҚИЛҒИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ДЕПРЕССОР  
ҚЎШИЛМА ЁРДАМИДА ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ ОШИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйча фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам  
Content of dissertation abstract of doctoral of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Карпушкин Сергей Игоревич**

Дизел двигателли автомобиллар эксплуатацион кўрсаткичларини ёқилғи хусусиятларини депрессор қўшилма ёрдамида яхшилаш орқали ошириш.... 3

**Карпушкин Сергей Игоревич**

Повышение эксплуатационных показателей автомобилей с дизельными двигателями путем улучшения свойств топлива депрессорными присадками. . . . . 21

**Karpushkin Sergey Igorevich**

Improving operational performance of vehicles with diesel engines by improving the fuel properties depressant additive. . . . . 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 43

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА  
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВАТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ  
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Т. 09.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ,  
ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**КАРПУШКИН СЕРГЕЙ ИГОРЕВИЧ**

**ДИЗЕЛ ДВИГАТЕЛЛИ АВТОМОБИЛЛАР ЭКСПЛУАТАЦИОН  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЁҚИЛҒИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ДЕПРЕССОР  
ҚЎШИЛМА ЁРДАМИДА ЯХШИЛАШ ОРҚАЛИ ОШИРИШ**

**05.08.06 – Ғилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T198 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасининг [www. tau1. uz](http://www.tau1.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот – таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рисқулов Алимжан Аҳмаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шарипов Конгратбай Авезимбетович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мусаджанов Махамаджон Зокиржонович**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Ётақчи ташкилот:**

**Тошкент темир йўллари муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил 19 январ соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20-уй. Тех / факс: (99871)232-14-79, e-mail: [tadi.info@edu.uz](mailto:tadi.info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (.....рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20-уй. Тел.: (99871) 232-14-79.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги .....рақамли реестр баённомаси).

**Ш.П. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.М. Мамарахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**А.А. Мухитдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида нефтдан олинадиган мотор ёнилғилари истимолчиларини дизелли автомобиллар эксплуатацион кўрсаткичларини ёқилғиларга ҳар хил кўшимчалар кўшиш орқали эксплуатацион хусусиятларини ошириш, мавжуд энерго-экологик муаммоларнинг замонавий ечими ҳамда транспорт воситаларининг эксплуатацион кўрсаткичларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Нефтдан олинадиган дизель ёнилғиларига кўшилмалар кўшиш натажасида ёқилғиларининг паст ҳароратдаги хусусиятлари ва ёқилғидаги углеводородлар таркиби билан ҳамда кўп ҳолларда парафинлар миқдори ва уларнинг концентрацияси боғлиқлиги ёрдамида сифат кўрсаткичларини яхшилаш эса кўриб чиқилаётган муаммоларнинг долзарблигини янада юқори даражага кўтаради. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Буюк британия, Польша, Швеция, Хитой, Россия каби давлатларда дизел ёқилғиларининг паст ҳароратли хусусиятларини яхшилаш йўллари тадқиқ қилиниб, депрессор кўшилмадан фойдаланишнинг янги илмий-техникавий ечимлари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда дизел ёнилғиларини олишга қаратилган ва барча мавсум шароитида двигательни эксплуатация қилишга имкон берадиган, атроф муҳитга салбий таъсирини камайтирадиган экологик тоза ёнилғида ишлатишнинг энерго-экологик самарадорлигини яхшилашга қаратилган ресурстежамкорлик ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан паст ҳароратда музлаб қолмайдиган дизел ёқилғиларини олиш учун нормал парафинлик углеводородларни (н-парафин) нефтни қайти ишлаш заводида депарафинлаш, изомерлаш ва бошқа қимматбаҳо ва қийин технологик жараёнлар дизель ёқилғисининг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга барча музлаш ҳарорати ( $T_3$ ) дан паст бўлган ёқилғи ишлаб чиқариш усуллари ичида депрессор кўшилмаларни қўллаш кўпроқ дизель ёқилғиларининг эксплуатацион ҳамда энерго-экологик кўрсаткичларини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда нефтдан олинадиган дизель ёқилғиларининг таркибига депрессор кўшимчаси кўшиб фойдаланиш, маълум кўшилмаларнинг хусусиятлари ва уларнинг таъсир механизмларини такомиллаштириш, эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...энергия ва ресурс харажатларини камайтириш...»<sup>1</sup> бўйича бир қатор вазифаларни ўз ичига олади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан карбоксилли ёғли кислоталар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

билан модификацияланган, полиэтилентерефталат смолалар асосида депрессор кўшилма олиш, депрессор кўшилмани паст ҳароратли хусусияти ҳамда ёқилғисининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларининг оптимал параметрларини таъминлаш учун концентрацион ораликларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги №412-I-сон, 2002 йил 5 апрелдаги «Чиқиндилар тўғрида»ги №362-II-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ 2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергияни тежаш ва энергияни тежайдиган технологияларни қўллаш тадбирлари дастури ҳақида», 2015 йил 11 февралдаги ПҚ 2298-сон «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ҳақида» ва 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ 2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ижроси ҳамда ёзги дизел ёқилғиларини паст ҳароратларда хусусиятларини яхшилаш учун маҳаллий ва иккиламчи хом-ашё ресурслари асосида самарали депрессорли кўшилмалар ишлаб чиқариш ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» ва Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг илмий-тадқиқот иши режаларига.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида дизел ёқилғиларининг паст ҳароратли хусусиятлари, уларни турли йўллар билан эксплуатацион хоссаларини яхшилаш ва депрессор кўшилмаларни ишлаб чиқариш муаммолари бўйича Chandler. J. E., F. G. Homeck and G. I. Brown, Mitchell, K., Robert Dunn, M. W. Shockley, M. O. Bagby, Hana Ming, Zhenga Jianxin, Wangb Xiaoye, Ralph Edenhofer, Klaus Lucka, Heinrich Köhne, Sunmin Wang, Jianheng Shen, Гурвич Л.Г., Энглин Б.А., Гуреев А.А., Фозилов С.В., Сайдахмедов Ш.М. А.Т. Жалилов томонидан кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Дизел ёқилғиларининг паст ҳароратли хусусиятлари, уларни турли йўллар билан яхшилаш ва депрессор кўшилмаларни ишлаб чиқариш ва эксплуатация жарёнида қўллашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий синов ва ишлаб чиқариш марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан, Clariant Produkte GmbH (Германия), Афтон Кемикл Лтд (Буюк Британия), Technical University of Koszalin (Польша), Swedish Biofuels AB (Швеция), Ушбу мавзу нефтни қайта ишлаш бўйича умум Россия илмий-тадқиқот институтлари, И.М.Губкина номидаги Россия давлат нефт ва

газ университети, Россия фанлар академияси нефт кимёси институти Сибир бўлинмаси, Нефт ва газ институти, ЎзР ФА умумий ва ноорганик кимё институти, Бухоро муҳандис-технологиялари институти, Қарши давлат университети (Ўзбекистон) олимлар Гурвич Л.Г., Энглин Б.А., Гуреев А.А., Фозилов С.В., Сайдахмедов Ш.М., А.Т. Жалилов ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Уларда дизел ёқилғиларининг паст температурали хусусиятларини яхшилаш, шу жумладан, депрессор қўшилмаларини ишлаб чиқаришнинг йирик олимлардан, ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Бироқ, депрессор қўшилмаларни олиш ва уларнинг ёқилғи билан мувофиқлиги чуқур тадқиқ қилинмаган, қўшилманинг ёнилғини сифат кўрсаткичларига, Ўзбекистоннинг қишки табиий-иқлим шароитида автомобилларнинг эксплуатациясига, чиқинди газларнинг (ЧГ) туташига таъсири аниқланмаган, олиб борилган объектив тадқиқотлар ва айниқса, амалий фойдаланиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПТН №А-3-48 «Иккиламчи хом ашё ресурслари асосида олинган қўшилмалар билан ишлайдиган транспорт воситалари учун дизел ёнилғиларининг янги, қишки сортлари» (2015-2017йй) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дизель автомобиллар эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш учун маҳаллий хомашё асосида депрессор қўшилмали дизель ёқилғисини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий ва иккиламчи хом-ашё ресурслари асосида самарали депрессор қўшилмани синтезлаш технологиясини ишлаб чиқиш;

олинган қўшилмани самарадорлигига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва ёқилғига мувофиқлиги, ёқилғининг таркибидаги сув мавжудлиги аниқлаш, депрессорни ва ёқилғининг углеводород таркибига киритиш хароратининг таъсири тадқиқ қилиш;

депрессор қўшилмани ёзги дизел ёқилғиси сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ қилиш;

дизел двигателли автомобилларда депрессор қўшилмали ёқилғилар билан деталларнинг ейилишларига ва ЧГ туташига таъсири бўйича эксплуатация синовини ўтказиш;

ишлаб чиқилган депрессор қўшилмали ёқилғини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дизел двигателли автомобил олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида депрессор қўшилмали ёзги дизел ёқилғиси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида математик статистика қонунлари, экспериментларни математик режалаштириш, депрессор қўшилмали дизел ёқилғиси эксплуатацион, физик-кимёвий, хусусиятларини назарий ва синов усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

полиэтилентерефталат асосида карбоксилли ёғли кислоталар билан модификацияланган, янги депрессор қўшилма олиш усули ишлаб чиқилган;

депрессор қўшилмани паст ҳарорат хусусиятли дизель ёқилғиси тавсифлари параметрларига таъсири механизми асосланган ва дизель ёқилғисининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларининг оптимал параметрларини таъминлаш учун концентрацион оралиқ аниқланган;

ёзги дизель ёқилғисида депрессор қўшилмани киритиш ҳароратининг таъсири, ёқилғида намлик мавжудлиги, шунингдек, ёқилғининг углеводород таркибини қўшилма самарадорлигига таъсири аниқланган;

ёзги дизель ёқилғидаги қўшилмани автотранспорт ва йўл техникасининг эксплуатацион кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дизел техникалари паст температура шароитида эксплуатациясида ёзги дизел ёқилғисининг паст ҳарорат хусусиятларини яхшилаш учун самарали депрессор қўшилма таркиби ва технологияси синтезлаш ишлаб чиқилди;

эксплуатация омилларига боғлиқ ҳолда ёзги дизел ёқилғисига депрессор қўшилма киритиш усули ишлаб чиқилган;

депрессор қўшилмаларни қўллаш шартларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган: «Депрессор қўшилмаларни тажриба-саноат қурилмаларида ишлаб чиқариш учун муваққат технологик регламентлар» ва «Тажриба-саноат қурилмаларида депрессор қўшилмали қишки дизел ёқилғиси ишлаб чиқариш учун муваққат технологик регламентлар»;

ишлаб чиқилган таклифларни қўллаш асосида ёзги ёқилғидаги қўшилмадан фойдаланиш автомобил транспорти ва йўл техникасининг эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш ва уларнинг қиш шароитида, эксплуатация қилинганда тўхтамасдан ишлашини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик статистика усуллари, назарий натижаларнинг синов маълумотларига мослиги, олинган аналитик натижалар лаборатория ва эксплуатация синовлари маълумотлари билан мувофиқлиги, ишлаб чиқилган қўшилманиннг ижобий натижаси билан асосланган, синов тадқиқотларини ўтказишда замонавий услуб ва воситалар қўлланилганлиги, назарий ва синов тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти депрессор қўшилмани ёзги дизел ёқилғисига қўшиб  $T_3$ ни сезиларли пасайтириш; химмотология назариясини ривожлантиришни ташкил этилганлиги, эксплуатацион кўрсаткичларини



қишки шароитда эксплуатациясини яхшилаш учун маҳаллий хом-ашёдан депрессор қўшилмали дизел ёқилғисини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти дизел двигателли автомобилларни паст температура шароитида эксплуатацияси қилишда ёзги дизел ёқилғисининг хусусиятларини яхшилаш учун самарали депрессор қўшилма таркиби ва технологияси синтезлаш ишлаб чиқилганлиги, эксплуатация омилларига боғлиқ ҳолда ёзги дизел ёқилғисига депрессор қўшилма киритиш усули ишлаб чиқилганлиги, қўллаш шартларини тартибга солувчи меъерий ҳужжат ишлаб чиқилганлиги, дизел двигателли автомобиллар қиш шароитида тўхтовсиз эксплуатациясини таъминлаши билан ҳамда ишлаб чиқилган таклифларни қўллаш асосида ёзги ёқилғидаги қўшилмадан фойдаланиш автомобил транспорти ва йўл техникасининг эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш ва уларнинг қиш шароитида, эксплуатация қилинганда тўхтамасдан ишлашини таъминлаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дизель автомобиллари ва йўл қуриш техникалари эксплуатацияси учун импорт ўрнини босувчи юқори молекуляр бирикмали депрессор қўшилма ишлаб чиқариш бўйича олинган натижалар асосида:

«Депрессор қўшимчаларни олиш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (IAP 0515, 2015 й.). Ишлаб чиқилган усул Ўзбекистон шароитида атроф-муҳитнинг энг паст ҳаво ҳароратида ҳам ёзги дизелли ёнилғисини қовушқоқлигини ошиб кетмаслиги имконини берган;

ёзги дизель ёнилғисининг музлаш ҳароратини пасайтириш мақсадида полиэтилентерефталат асосида карбоксилли ёғли кислоталар билан модификацияланган, депрессор қўшилма «Махсусюктранс» унитар корхонасининг (УК) дизелли транспорт воситаларини эксплуатация қилиш жараёнларига жорий қилинган ҳамда ёзги дизель ёқилғисига қўшилаётган депрессор қўшилма Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси юк автомобиллари, самосваллар, автокран ва фронтал юклагичларида қўллаш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 01-242-сон маълумотнома). Натижада ёзги дизель ёқилғисининг таркибига 0,1-0,2 концентрацияли қўшилма қўшилганда музлаш ҳароратини минус 12°C дан минус 29°C гача пасайтириш ва қишки мавсум даврида табиий шароитда ёзги ёқилғидаги иш қобилияти ошириш ҳамда 0°C дан минус 10°C ҳарорат оралиғида қўшилмани қўллаш ёқилғини қовушқоқлик хусусияти яхшилаш ҳисобига ёзги ёқилғини 6–7% га тежаш имконини берган;

ишлаб чиқилган «Тажриба-саноат қурилмаларида депрессор қўшилмали қишки дизель ёнилғисини ишлаб чиқариш учун муваққат технологик регламентлар»га асосан автохўжалик автоматик ёқилғи қуйиш ва автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларига жорий қилинган (Ўзбекистон

Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 01-242-сон маълумотнома). Натижада ёзги дизель ёқилғисининг киш мавсумида қовушқоқлигини сақлаб қолиш орқали автомобилларга хизмат кўрсатиш имконини берган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Мазкур диссертация тадқиқот натижалари ҳалқаро ва республика миқёсидаги 6 та илмий, илмий-техник анжуман ва семинарларда, жумладан 2 та ҳалқаро анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий нашрларда 20 та, жумладан, 1 та хорижий журналда ва 1 та ихтиро патенти гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 127 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисми** мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсадини аниқлаш, илмий янгилиги, амалий аҳамияти ва ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлари билан асосланади.

Биринчи боб – **«Дизел ёқилғиларини паст ҳароратда хусусиятларини яхшилаш бўйича олиб бажарилган тадқиқотлар таҳлили»** мазкур муаммо бўйича тадқиқотлар таҳлилинини ўзида мужассам этган. Дизел ёқилғиларининг паст ҳароратдаги хусусиятлари ўрганилган ва улар ёқилғидаги углеводородлар таркиби билан ҳамда кўп ҳолларда парафинлар миқдори ва уларнинг концентрацияси боғлиқлиги аниқланган.

Дизел ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларини яхшилаш йўллари тадқиқ қилиниб, депрессор қўшилмадан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан энг қулай ва самарали ҳисобланиши аниқланган.

Маълум бўлган депрессор қўшилмаларнинг хусусиятлари ва уларнинг таъсир механизми ўрганилди. Сирти фаол хусусиятларга боғлиқ бўлган қўшилманинг депрессор таъсири аниқланди.

Иккинчи боб – **«Маҳаллий ва иккиламчи хом-ашё ресурслари асосида диспрессор қўшилма ишлаб чиқариш технологияси, уларни самарадорлигини тадқиқ этиш»** – депрессор қўшилмаларнинг синтези бўйича, маҳаллий хом-ашё ва чиқиндилар асосида Тошкент киме технологияси илмий-тадқиқот институти (ТКТИТИ) билан биргаликдаги тадқиқотдан олинган натижалар, шунингдек уларнинг самарадорлиги тадқиқи натижаларини қамраб олган.

Депрессор қўшилмалар синтезида улар мавжудлиги, мослашувчанлиги ва арзонлиги ҳисобга олинди. 16 намунада турли депрессор қўшилма депрессор олинди. Ташкил этувчи компонентлар сифатида гидролиз

полиэфир, кам молекулали полиэтилен, госсипол смолалар, иккиламчи полиэтиленфтолат ва бошқалар асосли полимерлардан фойдаланилди.

О'zdSt 989:2010 бўйича турли ишлаб чиқариш гуруҳлари дизел ёқилғисининг 4та намунаси синовдан ўтказилди, унда ишлаб чиқарилган дизел ёқилғилари доимо бир хил углеводород таркибига эга эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган кўшимчалар синовдан ўтказилди.

Дизел ёқилғиларига мослиги жиҳатидан 16 синовдаги кўшилмалардан эрувчанлиги 100, 44 ва 46%ни ташкил этган, мос равишда Д<sub>2</sub>, Д<sub>9</sub> и Д<sub>10</sub> лар танлаб олинди. Бундан ташқари дизел ёқилғисининг паст ҳароратли хусусиятларида, яъни лойқалик харорат (Т<sub>п</sub>) ва Т<sub>з</sub> да, 0-0,5% концентрацияда олинган кўшилма таъсирини аниқлаш бўйича 500 та синов ўтказилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Т<sub>з</sub> да Д<sub>2</sub>, Д<sub>9</sub> и Д<sub>10</sub> кўшилмаларга депрессор таъсири

Кўшилма	Ёқилғи намунаси	Т <sub>з</sub> да дизел ёқилғиси, °С							
		Кўшилма концентрацияси, %							
		0	0,05	0,1	0,2	0,25	0,43	0,48	0,5
Д <sub>2</sub>	1	-12	-18	-24	-27	-27	-29	-30	-31
	2	-14	-19	-25	-27	-27	-29	-30	-31
	3	-16	-21	-25	-27	-27	-28	-29	-30
	4	-7	-7	-9	-9	-9	-9	-9	-9
Д <sub>9</sub>	1	-12	-12	-12	-12	-18	-19	-20	-20
	2	-14	-14	-14	-14	-20	-21	-22	-22
	3	-16	-16	-16	-16	-22	-23	-24	-24
	4	-7	-7	-7	-8	-8	-8	-9	-9
Д <sub>10</sub>	1	-12	-15	-16	-16	-16	-21	-21	-21
	2	-14	-17	-18	-18	-18	-23	-23	-23
	3	-16	-19	-20	-20	-20	-25	-25	-25
	4	-7	-7	-7	-8	-8	-9	-9	-9

1-жадвалдан кўриш мумкинки, Д<sub>2</sub> 0,2% концентрацияга киришганда 1 намунадаги ёқилғи максимал депрессияси 15°С ни ташкил этмоқда ва 17°С гача етиб, уни ўсиши 0,43% гача етди. Д<sub>9</sub> ва Д<sub>10</sub> кўшилма депрессиясининг 0,48 ва 0,43% концентрацияси 8 ва 9°С да 1-3 намуналар мос равишда сезиларли даражада паст бўлади.


Маълумки, депрессор кўшилма Т<sub>п</sub> ёқилғига таъсир этмайди, яъни улар кристалл парафинларни вужудга келишини олдини олмайди, фақат уларни ўсишига тўсқинлик қилиши бизнинг тадқиқотимизда исботланди.

Д<sub>2</sub>, Д<sub>9</sub> ва Д<sub>10</sub> танлаб олинган депрессор кўшилма хусусиятларини максимал даражада яхшилаш мақсадида, биз шунга ўхшаш кўшилмаларни синтезладик, аммо фарқли компонентлар нисбатида ва ёқилғи Т<sub>з</sub> ни ҳисобга олган ҳолда ёқилғи билан мос келишига уларнинг таъсири тадқиқ қилинди.

Бироқ, олинган натижа илгари олинган қўшилмадан анча пастлигини кўрсатди.

Карбоксилли ёғли кислотали иккиламчи полиэтилентерефталат смола асосида ишлаб чиқилган энг истиқболли Д<sub>2</sub> қўшилмаси аниқланди.

Д<sub>2</sub> қўшилмасини олишга унинг мавжудлиги ва нисбатан арзонлиги сабаб бўлди. Д<sub>2</sub> қўшилмасининг депрессор хусусиятлари, гидроксил бирикмасидан ташкил топган (иккиламчи полиэтилентерефталат смоласи) ва углеводородларнинг эрувчанлиги учун зарур бўлган С<sub>16</sub>-С<sub>18</sub> углеводород радикалининг макромолекулярида мавжудлиги билан боғлиқ.



Д<sub>2</sub> қўшилмасини олиш усули ва технологик жараёни ишлаб чиқилди. Унинг асосий физик-кимёвий хусусиятлари ўрганилди. Мазкур депрессор қўшилмага муаллифлик ҳуқуқи патент билан ҳимояланди, IAP №05151 «Депрессор қўшилмаларни олиш усули», Тошкент 2015. Бундан ташқари, тажриба-саноат қурилмасида депрессор қўшилма ишлаб чиқариш вақтинча технологик регламенти ишлаб чиқилди.

Синовларимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган дизел ёқилғисига депрессор қўшилмаларни киритиш усули бўлиб, у турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин: қиздирилган ва уни тарқатиш учун аралаштирилган ёнилғининг умумий миқдорида депрессор қўшилманинг зарур миқдорини киритиш ёки концентратни тайёрлаш ва уни асосий ёқилғига киритиш.

Ёқилғига қўшилма концентратини киритишда ёқилғининг ҳарорати ҳисобга олиниши керак, бу унинг депрессор самарадорлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Бу биз тадқиқот қилаётган барча Д<sub>2</sub>, Д<sub>9</sub> ва Д<sub>10</sub> қўшилмалар учун, уларнинг табиатидан қатъий назар бир хилдаги тартиблиликда.

Тадқиқот натижалари депрессорларнинг самардорлигига қўшилмани киритиш ҳароратининг таъсири, фақат ёнилғини Т<sub>п</sub> га қадар киритишда самарали бўлишини кўрсатди, яъни парафин углеводородларнинг микрокристаллари шаклланишни бошлангунгача ва бу уларнинг кейинчалик ўсишига тўсқинлик қилади, бу эса, қўшилма таъсир механизмларига тўлиқ мос келади. Бунда қўшилма максимал самарадорлиги, уларни ёқилғига киришида, ҳарорат Т<sub>п</sub> дан 10-15°С юқори бўлганда ҳосил бўлади. Биринчи микрокристаллар шаклланган ондан кейин қўшилмалар киритилиши билан уларни самарадорлиги амалда намоён бўлмайди.

Бундан ташқари, дизел ёқилғисидаги намлик миқдорининг депрессор қўшилмалари самарадорлигига таъсири тадқиқ қилинди. Дизел ёқилғисидаги сув унинг мойлаш қобилиятини пасайтиради, иқаланишни ошишини келтириб чиқаради, ёқилғи ускуналари, двигател деталлари, идиш ва бакларни, шунингдек, резервуарларни коррозияга учратади. Шу билан бирга, сув ёқилғида мавжуд бўлган қўшилмаларни сиқиб чиқариши мумкин ва салбий ҳароратда ҳосил бўлган муз кристалллари паст ҳарорат хусусиятларини сезиларли даражада сусайтириши мумкин. Двигателларни иш жараёнида муз кристаллари ёнилғи филтри устида қолиб кетиб, бу эса ҳайдалувчанлигини ёмонлашишига олиб келади.

Д<sub>2</sub>, Д<sub>9</sub> ва Д<sub>10</sub> нинг самарадорлигига сувнинг таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Натижалар шуни кўрсатдики, ёқилғи ичидаги сув миқдори 0,1% гача бўлса, ёқилғи Т<sub>3</sub> да қўшилмалар ва уларсиз таъсири салбий. Сувни депрессор қўшилмалари ёқилғига таъсири, уларнинг баъзи қисмлари муз кристалларига айланиши билан боғлиқ.

Бундан олдин олинган дизел ёқилғисининг 4 намунасида депрессорлар таъсирининг самарадорлигини тадқиқотидан олинган натижаларнинг таҳлили маълум бир тартиблиликни кўрсатди: бошқа бир хил шароитда, амалда 4 ёқилғи намунасида Т<sub>3</sub>нинг пасайиши кузатилмайди; энг муҳими, 2 ва 3 ёқилғи намунасига қараганда 1 намунага таъсир қилади (1-жадвал).


Углеводород таркибида дизел ёқилғисининг турли хил турлари фарқланади. Углеводород фракциялари депрессор қўшилмаларига сезувчанлигига қараб қуйидаги тартибда камайиб боради: н-парафинлар > ароматик углеводородлар > изопарафинлар ва нафтенлар.

Н-парафинли углеводородларнинг депрессор қўшилмаларига яхшироқ таъсир этиши бу қўшилмаларни кристаллаш парафинлари ва қўшимчаларнинг ўзаро таъсир механизми билан боғлиқ. Бироқ, н-парафинларнинг ўзи юқори Т<sub>n</sub> га эга ва ёқилғида уларнинг мавжудлиги ёқилғисининг паст ҳарорат хусусиятларини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Депрессор қўшилмалар ҳар бир ёқилғи парафин концентрациялар учун таъсири энг яхши ҳисобланади. Агар парафинлар жуда кўп бўлса, унда қўшилмаларнинг самараси камаёди.

Ёқилғида ўтказилган синовнинг лаборатория таҳлиллари кўрсатишича 1-3 намуналарда органик кислоталар мавжуд эмаслиги, қўшилманинг сирт фаоллик таъсирини сусайтиради, 4 намунада органик кислоталар мавжудлиги, депрессорга нисбатан паст сезувчанлигини изоҳлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, дизел ёқилғиларининг паст ҳароратли хусусиятларига депрессор қўшилмалар таъсири самарадорлиги, мураккаб башоратланувчи параметр ҳисобланади, шу жумладан углеводород фракциялари, смола, гетероорганик бирикмалар, сувлар механик ва бошқа аралашмалар таркиби ва ўзаро боғланиши билан боғлиқ.

Синтезланган депрессор қўшилма таъсири самарадорлигига таъсир этувчи назарий асосланган ва экспериментал аниқланган омиллар асосида биз ёзги дизел ёқилғи навларига жорий этиш усулини ишлаб чиқдик (1-расм).




**1-расм.  $D_2$  қўшилмани ёзлик дизел ёнилғисига аралаштириш тартиби**

Қўшилмалар концентратини тайёрлаш, ёқилғини  $40^{\circ}C$  га қадар қиздириб амалга оширилади, унинг дизел ёнилғиси билан аралашмаси эса,  $T_{п}$  қийматидан  $10-15^{\circ}C$  баландроқ ҳароратда бўлади.

Йирик бўлмаган автомобил хўжалигида қуйидаги усулларни ишлаб чиқдик ва синаб кўрдик:

1. депрессорни ёқилғига электр ёки буғ билан ишлайдиган жиҳоз ёрдамида киритиш;
  2. депрессорни ёқилғига ёқилғи қуйиш станцияси шароитида киритиш.
- Бунинг учун электр жети билан иситиладиган «қўйлак» ва айланма девор билан жиҳозланган бўлган махсус резервуар жиҳозланган (2-расм).



**2-расм. Депрессор қўшилмали ёнилғи тайёрлаш учун иситиладиган идишнинг схемаси суврати.**

**1-идиш; 2-насос; оқимлар: I-қўшилма; II-ёнилғи; III-қўшилмали ёнилғи**

Ушбу услуб биз томонимиздан махсус ишлаб чиқилган ва «Махсусюктранс» УК га тадбиқ этилган. Депрессор қўшилма ва уни киритиш усулини тадбиқ этиш акти мавжуд.

Махсус ҳолларда, қўшилманинг энг самарали таъсирини олиш учун, унинг концентрати аралашмасини ёнилғининг  $T_{п}$  дан  $10-15^{\circ}C$  га юқори бўлган ҳароратда ёнилғининг қолган ҳажмига аралаштирилди.

Санаб ўтилган усуллар натижалари таҳлили бўйича «Тажриба-саноат қурилмаларида депрессор қўшилмани қишки дизел ёнилғиси ишлаб чиқариш учун муваққат технологик регламентлар» ишлаб чиқилган.

Республикамизда депрессор қўшилмалари ишлаб чиқарилмайди импорт қилинган сертификатланган қўшилмалар ассортиментини катта эмас. Д<sub>2</sub> ва Ўзбекистон бозорида тақдим этилган сертификатланган хорижий депрессор қўшилмалари «Тотал Стопгель 20154», «Равенол Fließverbesserer» ва «Маннол» самарадорлигининг қиёсий натижалари Д<sub>2</sub> нинг ўрганилган барча контцентрациялардан самаралироқ эканлигини кўрсатди. Импорт қўшилмаларнинг Т<sub>3</sub> да 1-3 ёнилғи намуналарининг 0,2% концентрацияда таъсири сезиларли даражада паст бўлади ва 4 дан 6°С гача ташкил этади, бу Д<sub>2</sub> қўшилмасига қараганда 5-10°С га паст.

1-намуна учун дизел ёнилғисидаги депрессия Д<sub>2</sub> қўшилманинг концентрациясининг Т<sub>3</sub> га боғлилиги аниқланган, у қуйидаги регрессия тенгламаси орқали ифодаланган:

$$y = -12 - 175,3134516 * x + 710,7635974 * x^2 - 1198,137606 * x^3 + 648,383412 * x^4$$

Ушбу боғланишдан дизел ёқилғисини Т<sub>3</sub> ни депрессор қўшилмани концентрациясига боғлилиги 0-0,5% оралиғида башорат қилиш учун фойдаланиш мумкин.

**Учинчи бобда «Д<sub>2</sub> депрессор қўшилмасига эга ёзги дизел ёқилғисини тадқиқ этиш»**

Д<sub>2</sub> қўшилмасининг дизел ёқилғисининг сифат кўрсаткичларига таъсири, депрессор қўшилмали ёзги дизел ёқилғининг эксплуатацион тажриба-синови, қўшилманинг двигател ЧГ тутунига ва мотор мойининг сифат кўрсаткичлари таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари тақдим этилган.

Д<sub>2</sub> қўшилмасини дизел ёқилғисининг дастлабки кўрсаткичларига таъсири аниқлаш бўйича синовлар 0,2% гача концентрацияда, О'zDSt 989:2010 га мувофиқ лаборатория шароитида ўтказдик. Натижада унинг мавжудлиги ёқилғининг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир қилмаслиги аниқланди. Т<sub>3</sub> дан ташқари.

Бизнинг тадқиқотларимизнинг муҳимлиги депрессор қўшилмали ёқилғини чегаравий иш қобилиятини эксплуатацион синов ўтказиш, ҳамда унинг эксплуатацион курсаткич-ёқилғи тежамкорлиги аниқлашдан иборат.

Д<sub>2</sub> қўшилмали ёзги дизел ёқилғисининг иш қобилияти харорат чегарасини аниқлашни 2011-2013 йиллар ва 2017 йилнинг қиш фаслида биз томонимиздан «Моҳсусюктранс» УК, «HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD» ва «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонаси (ДУК) Қўнғирот филиали автомобил транспортлари ва йўл қуриш техникаларида эксплуатацион синов доирасида амалга оширилди.

Синовга MAN, Даймлер Бенц Актор 1840 русумли юк автомобиллари, Hyundai HD 270 самосваллари, КамАЗ 53213 КС 4572 автокрани ва Lonking LG833N фронтал юклагичи жалб этилди.

Техникани эксплуатацияси, амалда бир хил эксплуатация шароитида, қўшилмали ва қўшилмасмиз ёқилғи билан, тоғли, гўл худудларда амалга оширилди. Бунда атроф-муҳит хавосининг харорати, ёқилғи сарфи, масофа, ишлаш вақти қайд этиб борилди.

УП «Махсусюктранс» шартнома асосида 100 т ёзги ёқилғи учун қўшилма ишлаб чиқилди, уни қўллаш автокорхонани қишги мавсумда тўхтатмасдан ишлашини таъминлади.

Назоратдаги айрим автомобилларни юриши 15 минг км дан кўпроқ бўлди.

Автотранспорт ва техника қўшилмали ёқилғида минус 20°C дан минус 22°C оралиғида синалганда ишлаш қобилиятини сақлаб қолди.

Назоратдаги намуналар қўшилмасиз ёқилғида минус 10°C гача ишлаш қобилиятини сақлаб қолди.

Синов тадқиқоти натижалари 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал


### Д₂ қўшилмали дизел ёнилғиларининг ишга лаёқатлилиқ чегаравий ҳароратини аниқлаш бўйича эксплуатация синовлари натижалари

Кўрсаткичлар	Автомобиллар, йўл қурилиш машиналари маркаси синов ўтказиш йиллари			
	Даймлер Бенц, Актор- 1840 (2010- 2011йй)	Даймлер Бенц, Актор- 1840 (2011- 2012йй)	MAN (2011-2012йй)	Hyundai HD- 270, КамАЗ- 53213 КС 4572, Lonking LG 833N (2017й)
Қўшилмализ ёнилғининг T <sub>3</sub> кўрсаткичи	минус 12°C			минус 11°C
Қўшилмали ёнилғининг T <sub>3</sub> кўрсаткичи	0,2% концентрацияда минус 27°C		0,1% концентрацияда минус 24°C	0,1% концентрацияда минус 29°C
Ҳавонинг қайд этилган минимал ҳарорати	минус 21°C	минус 22°C	минус 20°C	минус 21°C
Ишга лаёқатлилиқнинг минимал ҳарорати				

0 – минус 10°C ҳарорат оралиғида ёқилғини сарфи 3-4% га ошди, бу қишги ёқилғи сарфи учун қўшилмага нормага мос келади.

Ёзги ёқилғини қўшилмасиз сарфи 10% гача ошди (3-расм).





**3-расм. Атмосфера хаво хароратининг ёзги депрессор D<sub>2</sub> кўшилмали ва кўшилмасиз дизел ёқилғисини истемолига таъсири**

3-расмдан кўришиб турибтики, кўшилмани ушбу хароратда ишлатиш 6-7% гача ёзги дизел ёқилғини тежашга имкон берди, шу хисобда двигателни киздириш вақти қисқартириш хисобига (5-7 мин дан 2-3 мин гача).

Бу харорат пасайганда ёқилғини қовушқоқлиги ошиши ёқилғи насосини ишлаш қобилиятини камайиши натижасида майдаланиш ва аралашма хосил қилиш бузилади.

Кўшилмали ёқилғининг қовушқоқлиги минус 5°C бўлганда 6 мм<sup>2</sup>/с бўлганда, кўшилмасиз ёқилғини 4,2 мм<sup>2</sup>/с дан 10 мм<sup>2</sup>/с гача ошади.

Автотранспортни D<sub>2</sub> кўшилмали ва кўшилмасиз ёқилғи билан бир хил эксплуатация шароитида 0°C гача хароратда узоқ вақт синалганда автотранспортни ишлаш қобилияти ва ёқилғи тежамкорлиги ўзгармади.

Двигательни филтрлаш элементларини, кўшилмали ва кўшилмасиз ёқилғи билан ишлагандаги, тахлили шуни кўрсатдики, уларда ифлосланишни йўқлигини аниқланди.

Двигател чиқинди газ ёруғлик оқимининг заифлашувининг *K* табиий кўрсаткичи билан тавсифланган тутунни аниқлаш ГОСТ 21393 га мувофиқ Даймлер Бенц Актор 1840 автомобилида амалга оширилди. Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, депрессор кўшилмали D<sub>2</sub> ёқилғисида *K* 0,1%, 0,2% концентрацияларда ҳамда уларсиз фарқ қилмайди ва 0,92÷0,98 оралиғида бўлади, бу эса рухсат этилган максимал қиймати 1,6 дан сезиларли даражада паст.

Даймлер Бенц Актор 1840 автомобилининг иш вақтида D<sub>2</sub> 0,2% га (ва уларсиз) эга ёқилғини мотор мойининг сифат кўрсаткичларига таъсирини ва мос равишда двигателнинг ейилишини аниқлаш учун (№1 мой намунаси – кўшилмали ёқилғида ишлаганда, №2 – мос равишда ундан сўнг кўшилмасиз

ёқилғида ишлаганда) 8 минг км масофадан кейин таққослаш таҳлили бажарилди. Мой намуналарининг таҳлили натижалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Мотор мойи намуналарининг таҳлили натижалари

Кўрсаткич	Брак кўрсаткичи	Амалдаги қиймати		
		ишлатилмаган мой	намуна №1	намуна №2
100°С да ковушқоқлик	± 15%	14	13,8	13,8
ёнилғи аралашуви	5% юқори	-	-	-
алангаланиш ҳарорати, °С	170 паст	225	223	221
сув миқдори, %,	0,5 юқори	-	-	-
ишқор сони, мг КОН/г	± 3	7,1	6,4	6,4
Fe миқдори, мг/кг	100	-	52,73	53,56
Cu миқдори, мг/кг	50	-	1,994	2,012
Al миқдори, мг/кг	30	-	4,031	3,279
Pb миқдори, мг/кг	40	-	2,26	2,28
Cr миқдори, мг/кг	25	-	1,637	1,692

3-жадвалда келтирилганидек, автомобилнинг эксплуатацияси натижасида ишлатилган мотор мойи намунаси сифат кўрсаткичлари чегара қийматидан ошмади ва бир-биридан бироз фарқ қилди.

Ўтказилган лаборатория ва эксплуатация шароитида ўтказилган тадқиқотлар натижалари синтезланган D<sub>2</sub> депрессор қўшилмаси автомобил транспортини ва йўл техникасини қиш мавсумида ишончли эксплуатация қилишни таъминлайди, эксплуатация кўрсаткичларини оширади (тайёрлик коэффициенти, линияга чиқиш коэффициенти), ҳамда эксплуатацион хусусияти – ёқилғи тежамкорлигини оширади.

Демак, D<sub>2</sub> қўшилмаси тадбиқ этишдан иқтисодий самара йилнинг совуқ вақтларида автомобиллар томонидан бажарилган ишдан ва бекор қилинадиган автомобил хўжалигидан келадиган зарар ҳисобидаги молиявий фойдага тенг бўлади.

0°С дан паст бўлган ҳарорат 20 кунни ташкил этади, бунда минус 10°С дан паст ҳарорат 7 кун. Ўзбекистонни бир йиллик дизел ёқилғига талаби 1170 минг. т.

0°С дан паст кунларни ҳисобга олганда (20 кун атрофида) ва қўшилмаси ишлатиш ҳисобига ёқилғи сарфини 6-7% қисқартириш натижасида, ёқилғини тежаш 4487 т ташкил этади.

D<sub>2</sub> қўшилмаси қўллашдан кутиладиган иқтисодий самара (0,1% ли T<sub>3</sub> ни 12-15°С га пасайтиради) илгари тадқиқ қилинган импорт «Равенол

Fliessverbesserer» (0,5% ли  $T_3$  ни  $10^\circ\text{C}$  га пасайтиради) кўшилмага нисбатан куйидагини ташкил этади (2017й. декабр ҳолатига кўра):

$$\mathcal{E}_{\text{ДС}} = (C_{\text{рав}} * 500 - C_{\text{Д}_2} * 100), \text{ сум}/100\text{т}$$

$$\mathcal{E}_{\text{ДС}} = 83200 * 500 - 45000 * 100 = 41\,600\,000 - 4\,500\,000 = 37\,100\,000 \text{ сум}/100\text{т}$$

бу ерда,  $C_{\text{рав}}$  – импорт кўшилма («Равенол Fliessverbesserer») нархи, 83200 сўм/кг;

$C_{\text{Д}_2}$  –  $\text{Д}_2$  кўшилма нархи, 45000 сўм/кг.

## ХУЛОСАЛАР

Дизел автомобиллари ва йўл қуриш техникалари эксплуатацияси учун импорт ўрнини босувчи юқоримолекуляр бирикмали депрессор кўшилма ишлаб чиариш бўйича диссертация тадқиқоти натижалари:

1. Биринчи марта маҳаллий ва иккиламчи хом-ашё ресурслари асосида 16 та янги, турли табиатдаги депрессор кўшилмалари синтез қилинган бунинг натижасида 0,1% концентрацияли ёзги дизел ёқилғиси  $T_3$  ни  $11-17^\circ\text{C}$  га, яъни минус 12 дан  $29^\circ\text{C}$  гача пасайтирувчи самараси юқорироқ бўлган  $\text{Д}_2$  кўшилма аниқланган.

2.  $\text{Д}_2$  кўшилмаларини олиш технологик схемаси ва усуллари ишлаб чиқилган ва рационал таркиби ўрнатилди. Тадқиқот натижалари бўйича патент (№ IAP 05151) олинган, «Депрессор кўшилмалари тажриба-саноат ускунасида ишлаб чиқариш бўйича муваққат технологик регламент» ишлаб чиқилган.

3. Биринчи марта, регрессион анализ асосида  $\text{Д}_2$  депрессор кўшилмаси учун  $T_3$  кўрсаткични дизел ёқилғидаги концентрациясига боғлиқ тенгламаси ишлаб чиқилган.

4. Ёзги дизел ёқилғисидан  $\text{Д}_2$  депрессор кўшилма самарадорлигига таъсир этувчи асосий омилларни тажриба-синов ёрдамида аниқланган:

кўшилма киритиладиган ёқилғи ҳарорати  $T_{\text{п}}$  дан  $10-15^\circ\text{C}$  га юқори бўлиши кераклиги аниқланган;

дизел ёқилғисидан намлик мавжуд бўлиши кўшилма таъсири самарадорлигини сусайтириши аниқланган. Сув миқдори 0,1% бўлса,  $T_3$  депрессия  $4^\circ\text{C}$  га пасайиши аниқланган;

ёзги дизел ёқилғисининг углеводородлар таркибида кўшилмаларнинг самарадорлигига таъсир этиши ва асосан н-парафинли углеводородларнинг концентрациясига боғлиқ эканлиги аниқланган.

5. Ишлаб чиқилган «Тажриба-саноат қурилмаларида депрессор кўшилмали қишки дизел ёқилғисини ишлаб чиқариш учун муваққат технологик регламентлар»га асосан автохўжалик автоматик ёқилғи куйиш ва автомобилларга ёқилғи куйиш станциясидан фойдаланган ҳолда депрессор кўшилмани киритиш усули ва йўли ишлаб чиқилди. Депрессор кўшилмани киритиш усули «Махсусюктранс» УК да тадбиқ этилди.

Д<sub>2</sub> депрессор қўлимасини қўллаш ёзги дизел ёқилғисининг тартибланган сифат кўрсаткичига, иш жараёнига, двигател агрегатлари ва узеллари ишончилигига таъсир этмаслиги аниқланган.

6. Д<sub>2</sub> қўшилмали ёзги дизел ёқилғисида Даймлер Бенц Актор 1840, MAN юк автомобиллари, Hyundai HD 270 самосваллари, КамАЗ 53213 КС 4572 автокрани ва Lonking LG833N фронтал юклагичларида, ҳаво ҳарорати минус 22°С бўлган қишки даврда табиий шароитда синов тадқиқоти ўтказилди. Мазкур автомобиллар ва техникалар ёзги ёқилғидаги иш қобилияти минус 10°С гача эканлиги аниқланган. Д<sub>2</sub> қўшилмасини қўллаш (синов ўтказишда атроф-муҳитнинг энг паст ҳаво ҳарорати) минус 22°С ва ундан паст ҳароратда уларни бузилмасдан ишлашини таъминланган.

0°С дан минус 10°С ҳарорат оралиғида қўшилмани қўллаш, ёқилғини қовушқоқлик хусусияти яхшилаш ҳисобига, ёзги ёқилғини 6-7% га тежаш имконини берди.

Шунингдек, автотранспортни Д<sub>2</sub> қўшилмали ва қўшилмасиз ёқилғи билан бир хил эксплуатацион шароитда 0°С гача ҳароратда узоқ вақт синалганда автотранспортни ишлаш қобилияти ва ёқилғи тежамкорлиги ўзгармаган.

7. Д<sub>2</sub> қўшилмаларнинг 0,1% ва 0,2% концентрацияли ёзги дизел ёқилғисида чиқинди газнинг тутунига таъсири йўқлиги тажриба-синовда аниқланган.

8. Д<sub>2</sub> депрессор қўшилмали ва уларсиз ёзги дизел ёқилғисида автотранспорт техникасини узоқ муддатли эксплуатацияси мотор мойларининг нуқсонли кўрсаткичлари ва улардаги металлларнинг таркиби тенг аҳамиятли ва чегаравий қийматидан ошмаслиги аниқланган.

9. Депрессор қўшилма «Махсусюктранс» УК да автомобил техникалари эксплуатацияси учун тадбиқ этилган.

10. Д<sub>2</sub> қўшилмани қўллашдан самара 4487 т ёқилғини тежаш имкони бераган.

Нархи ва сифати бўйича сертификатлаштирилган импорт қилинадиган қўшилмалар билан солиштирилганда эса 37 100 000 сўм/100т ёқилғи иқтисодий самара берган.

ТНИИХТ да шартнома асосида тажриба саноат ишлаб чиқариш амалга оширилган.

Шундай қилиб, диссертация ишида халқ-хўжалиги учун аҳамиятга эга бўлган, қишки шароитда дизел двигателли автомобилларни ишлатишда эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш бўйича муҳим илмий муаммо ечилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.Т.09.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО  
ПРОЕКТИРОВАНИЮ, СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ  
АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ И ТУРИНСКОМ ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ В Г.ТАШКЕНТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРОЕКТИРОВАНИЮ,  
СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ**

**КАРПУШКИН СЕРГЕЙ ИГОРЕВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ  
АВТОМОБИЛЕЙ С ДИЗЕЛЬНЫМИ ДВИГАТЕЛЯМИ ПУТЕМ  
УЛУЧШЕНИЯ СВОЙСТВ ТОПЛИВА ДЕПРЕССОРНЫМИ  
ПРИСАДКАМИ**

**05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/T198.**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tay1.uz](http://www.tay1.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:**

**Рискулов Алимжан Ахмаджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Шарипов Конгратбай Авезимбетович**  
доктор технических наук, профессор

**Мусаджанов Махамаджон Зокиржонович**  
кандидат технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский институт инженеров транспорта**

Защита диссертации состоится 19 января 2019 года в 13.00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.09.01 при Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог и Туринском политехническом университете в городе Ташкенте (Адрес: 100060, г. Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел./факс: (99871) 232-14-79, e-mail: [tadi\\_info@edu.uz](mailto:tadi_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог (зарегистрирована № 167). (Адрес: 100060, г. Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел.: (99871) 232-14-79).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр Протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Ш.П. Алимухамедов**

Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**Х.М. Мамарахимов**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.т.н., доцент

**А.А. Мухитдинов**

Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое значение приобретает решение существующих энерго-экологических проблем и повышение эксплуатационных показателей транспортных средств с помощью различных присадок к нефтяным моторным топливам для дизелей. В результате их применения улучшаются низкотемпературные свойства дизельных топлив и другие показатели качества, зависящие от углеводородного состава, в большинстве случаев, от количества парафинов, их концентрации, что повышает актуальность рассматриваемой проблемы. В связи с этим в различных зарубежных странах, таких как США, Великобритания, Польша, Швеция, Китай, Россия, особое внимание уделяется разработке новых депрессорных присадок для улучшения низкотемпературных свойств дизельного топлива.

В мире ведутся научные исследования, направленные на получение экологически чистых дизельных топлив, позволяющих всесезонно эксплуатировать двигатели, снижать отрицательное воздействие на окружающую среду, повышать энерго-экологическую эффективность и ресурсосбережение. Целевые научные исследования, направленные на изучение влияния на качественные показатели низкозастывающих дизельных топлив, вырабатываемых нефтеперерабатывающими заводами, применение депарафинизации нормальных парафиновых углеводородов (н-парафинов), изомеризации и других сложных дорогостоящих технологических процессов приобретает особое значение. В этой связи считается важным применение депрессорных присадок в числе методов производства топлив с низкими температурами застывания ( $T_3$ ), а также разработка методов оценки эксплуатационных и энерго-экологических показателей топлив.

В республике проводится широкомасштабные практические работы по применению депрессорных присадок в дизельных топливах нефтяного происхождения, усовершенствованию свойств известных присадок, повышению эксплуатационных показателей топлив. Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы содержит ряд задач, в том числе направленных на «снижение затрат на энергию и ресурсы...». Для их реализации считается важным получение депрессорных присадок на основе карбоксилсодержащих модифицированных жирных кислот и смол полиэтилентерефталата, определение диапазона их концентрации для обеспечения оптимальных низкотемпературных показателей, других физико-химических и эксплуатационных свойств топлива.

В свете реализации Законов Республики Узбекистан от 25.04.1997 г. № 412-I «О рациональном использовании энергии», от 05.04.2002 года № 362-II «Об отходах», Постановлений Президента Республики Узбекистан от 05.05.2015 г. № ПП-2343 «О программе мер по сокращению энергоемкости, внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы», от 11.02.2015 года

№ ПП-2298 «О программе локализации производства готовой продукции, комплектующих изделий и материалов на 2015-2019 годы» и от 26.12.2016 г. № ПП-2698 «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», а также других нормативно-правовых документов, исследования настоящей диссертации направлены на получение эффективных депрессорных присадок для улучшения низкотемпературных свойств летних дизельных топлив на основе местного сырья и вторичных сырьевых ресурсов.

**Соответствие исследования основным приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Исследовательская работа отвечает приоритетным направлениям развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия в ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Проблемы низкотемпературных свойств дизельных топлив, улучшения их различными способами и получения депрессорных присадок исследованы во многих странах, в том числе и в Узбекистане.

Данной теме посвящены изыскания, проведенные во Всероссийском научно-исследовательском институте по переработке нефти, Российском государственном университете нефти и газа им. И.М. Губкина, Сибирском отделении института химии нефти Российской Академии наук, Институте нефти и газа, Clariant Produkte GmbH (ФРГ), Афтон Кемикл Лтд (Великобритания), Technical University of Koszalin (Польша), Swedish Biofuels AB, (Швеция), Институте общей и неорганической химии Академии Наук Республики Узбекистан, Бухарском инженерно-технологическом институте, Каршинском государственном университете и других.

